

Дарё менинг ўнг кўлимда, биёбон сўл кўлимда

Савдогарлардан бири хикоят килибдурки: Сафарда эдим, барча молларим бир эшакка ортилганди. Мисрга етиб келганимда эшагим издихом ичида йўколди. Хар неча тиладим, топмадим. Вокиф бўлганлардан баъзилари айтдилар:

- Шайх Абулаббос олдига бориб, тавалло килинг, дуо килсинлар, зора йўколган нарсангиз топилса.

Мен Шайхни олдиндан танирдим. Шунинг учун тўппа-тўгри Шайхнинг қошига бориб, салом килдим ва холимни айтдим. Шайх сўзимга кулок солмади, аммо айтди:

— Бизникога мехмон келяпти. Зиёфатлари учун бунча ун, бунча гўшт ва бунча нарса керак, - деб керакли нарсаларни номма-ном айтиб чикди.

Халоватим йўколди. Келганимга пушай-мон бўлиб чикдим ва ўзимга дедим: Бошка остонасига кадам босмайман. Бу ният билан борардим, йўлда биров йўликди. Унинг карзи бор эди. Олтмиш тангасини берди. Узимга айтдим: Ё бу ҳам Худонинг йўлига кетар, ё йўкотганимни кайтарар.

Кискаси, бозорга бордим ва Шайх айтган нарсаларни арзон-гаровга харид килдим. Бир неча дирхам ортиб колди, озгина холва ҳам сотиб олиб, Шайхнинг хузурига жўнадим.

Шайхнинг хонакохига якинлашгач, кўр-димки, уловим юки билан хонакох эшигида турибди. Кўзларимга ишонмадим. Яхшилаб кўздан кечирсам, молларим жойида экан. Хонакохга кириб, бозордан олган нарсаларни олдига кўйдим. Шайхнинг кўзи холвага тушиб, сўради:

- Бу нима?

Дедим:

- Озгина пулим ортиб колувди, шуни олдим.

Шайх деди:

- Шартимизда бу йўк эди. Энди мен ҳам бир нарса орттирурмен. Кўп, бозорга бориб, газламаларингни сот ва нимаики сотсанг, дарров пулини ол. Бошка савдогар келиб, бозоримни касод килади, деб кўркма. Дарё менинг ўнг кўлимда, биёбон сўл кўлимда. Бозорга бордим. Газламаларни мўлжалимдан анча кимматрок нархда сотдим. Сотиб бўлганим захоти бозор газламафурушларга тўлди. Савдогарлар гўёки шу чоккача зиндонда эдилар-у, мен савдони тугатганим захоти хаммаларини озод килдилар.